
Нурсухнинг машхур маставаси сири нимада?

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида жойлашган қадимий Нурсух қишлоғи тарихий зиёратгоҳлари, бетакрор табиати, олиму донишлари билан водийда ўзига хос ўрин тутди.

Мана шу қишлоқда яшайдиган Ибохон Қўчқорова хонадонида йигирма йилдан ошиқ вақт мобайнида тайёрлаб келинаётган хушхўр таом — мастава нафақат Фарғона водийси, балки диёримиз бўйлаб тилга тушган, десак, муболаға бўлмайди. Ушбу хонадон ҳар куни эрта тонгдан кечга қадар хўрандалар билан гавжум. «Нурсух маставаси» таърифини эшитганлар бу оиланинг меҳмони бўлиб, бетакрор мазага эга таомдан баҳраманд бўлишга ҳаракат қиладилар. Улар орасида хорижий сайёҳлар, машхур ижодкорлар, спортчилар, давлат ва жамоат арбоблари ҳам бор.

- Бу овқатга меҳримизни қўшиб тайёрлаймиз, бошқа ҳеч қандай сир йўқ, — дейди моҳир ошпаз Ибохон ая. — Овқатга қўшиладиган барча масаллиқларни — сабзавоту кўкатларни ўз томорқамизда етиштирамиз. Ёрдамчи хўжалигимизда 15-20 бош қорамол боқилади.

Аччиқ қалампир, қора мурч, қуритилган райхон, қатик, зираворлар маставага ўзгача таъм, кўриниш беради. Келган меҳмонга мастава ва аччиқ кўк чойдан кейин оила бекаси томонидан тайёрланган анжир мураббоси парҳез сифатида тортиқ этилади.

Ботир Мадиев, «Халқ сўзи» газетаси мухбири

2022-02-09 15:10:03